

ЎЗБЕКИСТОН СТАНДАРТЛАШТИРИШ,
МЕТРОЛОГИЯ ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ
БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

907 Текширувдан (қиёслашдан) ўтказилиши лозим бўлган ўлчаш воситалари туркумларининг рўйхатига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 22 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2782-1

Ўзбекистон Республикасининг «Метрология тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 апрелдаги ПҚ–2935-сон «Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан **буюраман:**

1. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг 2016 йил 27 апрелдаги 232-сон буйруғи (рўйхат рақами 2782, 2016 йил 4 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 18-сон, 208-модда) билан тасдиқланган Текширувдан (қиёслашдан) ўтказилиши лозим бўлган ўлчаш воситалари туркумларининг рўйхатига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон стандартлаштириш,
метрология ва сертификатлаштириш
агентлигининг бош директори**

А. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 16 август,
469-сон

Ўзбекистон Стандартлаштириш,
метрология ва сертификатлаштириш
агентлиги бош директорининг 2017 йил
16 августдаги 469-сон буйруғига
ИЛОВА

**Текширувдан (қиёслашдан) ўтказилиши лозим бўлган
ўлчаш воситалари туркумларининг рўйхатига
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. «Тиббиёт учун мўлжалланган ўлчаш воситалари» деган сўзлар «Тиббиёт учун мўлжалланган ўлчаш воситалари*» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
2. Қуйидаги мазмундаги изоҳ билан тўлдирилсин:
«353 — 364-позициялардаги туркумларга кирувчи ўлчаш воситалари Метрология текширувидан ўтказилиши лозим бўлган тиббиёт учун мўлжалланган ўлчаш воситалари ва синаш воситаларининг рўйхатида (рўйхат рақами 2916, 2017 йил 22 август) кўрсатилган бўлса текширувдан (қиёслашдан) ўтказилади.».